





# Қўшилган қиймат солиғи таҳлили







# ТЎЛОВЧИЛАР

# Солиқ тўловчилар:

1. ДАРОМАДИ СОЛИҚ ДАВРИДА БИР МИЛЛИАРД СЎМДАН ОШГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ

2. ДАРОМАДИ СОЛИҚ ДАВРИДА БИР МИЛЛИАРД СЎМДАН ОШГАН ЁХУД ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ТЎЛАШГА ЎТГАН ЯТТЛАР

3. ЎЗ.Р. ҲУДУДИДА ТОВАРЛАРНИ (ХИЗМАТЛАРНИ) РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛУВЧИ ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ (СОЛИҚ АГЕНТЛАРИ ОРҚАЛИ)

4. ФАОЛИЯТНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ МУАССАСАЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ

5. ОДДИЙ ШИРКАТ СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ОБОРОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАНДА ЗИММАСИГА УНИНГ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ЮКЛАТИЛГАН (ИШОНЧЛИ ШАХС) ШЕРИК (ИШТИРОКЧИ) — – ОДДИЙ ШИРКАТНИНГ ИШТИРОКЧИСИ

6. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТУВЧИ ШАХСЛАР

# Қуйидагилар товарлар (хизматлар) реализациясидан даромад миқдори кўрсаткичидан қатъи назар ҚҚС тўлайдилар



- Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар
- акциз ости товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи ва (ёки) фойдали қазилмаларни қазиб олувчи юридик шахслар
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи юридик шахслар – уларда 25 гектар ва ундан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд бўлганда
- бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилувчи юридик шахслар
- лотереяни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар
- ваколатли органнинг хулосаси чиқарилган тугалланмаган ишлаб чиқариш объектлари ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари бўлган юридик шахслар
- марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни қурилишини (жорий ва мукаммал таъмирлашдан ташқари) бажарувчи юридик шахслар
- алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шахобчалари, бозор ва савдо комплекслари

# Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигига 2023 йилдан киритилган ўзгаришлар

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

**15%**

**СК 258-модда**




***Натижада 14 трлн сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.***

Солиқ тўловчиларнинг тоифаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолинмоқда.

# Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигига 2023 йилдан киритилган ўзгаришлар

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

## Камерал солиқ текшируви

### Амалдаги таҳрир

**22-қисми**

Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашга нисбатан камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан солиқ даври учун солиқ ҳисоботи тақдим этиш чоғида солиқ органлари қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) тўғрисида хабардор қилинган кундан эътиборан **олтмиш кун** ичида солиқ органининг буйруғисиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**2023**

Қопланадиган (қайтариладиган) ҚҚС суммасининг асослилиги юзасидан камерал солиқ текшируви

**30 кун**

**ичида ўтказилади**

# Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигига 2023 йилдан киритилган ўзгаришлар



## Солиқ тўловчилар

### Амалдаги таҳрир

**3-қисми 1-банди**

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари – ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида солиқ тўловчи деб ҳисобланмайди.

*Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–147-сон қарори билан “Ўздавзахира” қўмитаси ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган.*

### Янги таҳрир

**3-қисми 1-банди**

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари – ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида солиқ тўловчи деб ҳисобланмайди.

**Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилиши мумкин.**

**СКнинг 243-моддаси**

# Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма

СКнинг 4-моддасига асосан, солиқ имтиёзларини бекор қилишни назарда тутувчи ҳужжатлар расман эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ой ўтгач амалга киритилиши белгиланган.

Бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматларни

**19.05.2020й ВМ-297-сонли қарор**

Почта маркалари, маркали откриткалар, конвертларни

Бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни

**09.03.2020й ВМ-133-сонли қарор**

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматларини**




**Реализация қилиш бўйича айланма**




**Натижада *давлат бюджетига қўшимча 27 млрд сўм солиқ тушиши кутилмоқда***

**имтиёзлар бекор қилинмоқда**

# Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигига 2023 йилдан киритилган ўзгаришлар

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

Товарларни импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғи тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғини ўзаро ҳисобга олиш солиқ ва божхона органлари томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси бўлган солиқ тўловчи БЮДни расмийлаштираётганда импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғи қопланиши лозим бўлган сумма ҳисобидан тўлангани тўғрисида белги қўйиши лозим.

***Маълумот учун:*** *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.08.2021 йил кунги «Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-5231-сонли қарорига асосан, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигилар зиммасига 2021 йил якунига қадар товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқиш ва мазкур тартибни тажриба тариқасида 2022 йил 31 декабргача амалиётга жорий қилиш вазифаси юклатилган эди.*

# Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигига 2023 йилдан киритилган ўзгаришлар

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

## Солиқ тўловчилар

### Амалдаги таҳрир

**266-модда 8-қисми**

Солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида ушбу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда солиқ тўловчи махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйиш (озод қилишни бекор қилиш) санасида ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга олинган солиқ суммасини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этилган тақдирда, ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

### Янги таҳрир

**266-модда 8-қисмига**

**Агар ушбу кодекснинг 470[1]-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса деган сўзлар қўшилди. Чунки айланмадан олинадиган солиқ бўйича қатъий белгиланган солиқ турига ўтган солиқ тўловчилар фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғига ўтган санадаги товар моддий бойликлар ва асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини ҳисобга ола олмайди. Шу сабабли мазкур моддага ўзгартириш киритилди.**

# Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигига 2023 йилдан киритилган ўзгаришлар

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

## Солиқни ўрнини қоплаш

### Амалдаги таҳрир

**3-қисми**

Агар камерал солиқ текшируви натижаларига кўра, солиқ органи солиқ суммасининг ўрнини тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур солиқ суммаси солиқ тўловчига солиқ ҳисоботини тақдим этишда солиқ суммасини қайтариш ҳақида солиқ органлари хабардор қилинган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай қайтарилади.

### Янги таҳрир

**3-қисми** Агар камерал солиқ текшируви натижаларига кўра, солиқ органи солиқ суммасининг ўрнини тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур солиқ суммаси солиқ тўловчига солиқ ҳисоботини тақдим этишда солиқ суммасини қайтариш ҳақида солиқ органлари хабардор қилинган санадан эътиборан **ўттиз** кундан кечиктирмай қайтарилади.

# Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигига 2023 йилдан киритилган ўзгаришлар


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА
РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ГУВОҲНОМА

СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

| | |
|---|---|
| ҚҚС РЎЙХАТ РАҚАМИ<br>РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС | 314010133209 |

Мазкур гувоҳнома ҚҚС солиқ тўловчиси сифатида ҳисобга қўйилганлиги ва ҚҚС шахсий рўйхатга олиш рақами берилганлигини тасдиқлайди

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

| | |
|---|---|
| Солиқ тўловчининг номи<br>Наименование налогоплательщика | "TEXTILE-PRO GROUP" MChJ |
| Солиқ тўловчининг идентификация рақами<br>Идентификационный номер налогоплательщика | 307317635 |
| Шахс ҚҚС солиқ тўловчиси бўлган сана<br>Дата с которой лицо становится плательщиком НДС | 01.12.2020 |
| Рўйхатдан ўтиш санаси<br>Дата регистрации | 02.12.2020 |

Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

**Мисол учун,** ***Корхона ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилгандан кейин ҚҚС билан 1 120 млн.сўмлик товар (хизмат) сотиб олганда, 120 млн.сўмини товар таннархига киритишга тўғри келарди, киритилган ўзгартишдан кейин 120 млн.сўмни ҳисобга олиб, бюджетга шу миқдорда ҚҚС кам тўлаш ҳуқуқи пайдо бўлди.***

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тўхтатиб турилган ёки тугатилган ёхуд бекор қилинган солиқ тўловчи томонидан ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммаси ҳисобга олинмайди. Мазкур ходисалар юзага келганда, бундай солиқ тўловчига ундан ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммаси унинг харидорларида ҳам ҳисобга олинмайди.

Гувохноманинг амал қилиш муддати тўхтатилганлиги муносабати билан ҳисобга қабул қилинмаган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасига, гувоҳноманинг амал қилиш муддати тикланган тақдирда, гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган санадан эътиборан солиқ тўловчида ва унинг харидорларида ҳисобга олинади (тузатилади).

Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал
институти

# Қўшилган қиймат солиғи элементлари

## СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

**12 % ва 0 %**

## Солиқ солинадиган база

Базавий қоида - реализация қилинаётган товар ва хизматларнинг қиймати (қўшилган қиймат солиғи киритилмаган ҳолда)

## Солиқ даври, ҳисобот тақдим этиш ва тўлаш муддати

**Солиқ даври** – календарь ой, **ҳисобот** тақдим этиш ва солиқ суммасини тўлаш муддати - ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунига қадар



## Солиқ солиш объекти

Реализация жойи Ўзбекистон ҳисобланган солиқ солинадиган айланма ва товар импорти

## Солиқ имтиёзлари

Солиқ кодексининг 243-246 моддаларида белгиланган

# Солиқ солиш объекти

# Қўшилган қиймат солиғининг солиқ солиш объекти

1. Товарга бўлган мулк ҳуқуқини пуллик асосда, шу жумладан товарнинг қарз шартномаси бўйича ўтказиш;

2. Товарни бепул бериш, бундан шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно;

3. Мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) бериш

4. Товарни бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари асосида бериш

5. Пуллик асосда хизматлар кўрсатиш

6. Бепул хизматлар кўрсатиш, шу жумладан мол-мулкни солиқ тўловчининг бепул фойдаланиши учун бериш, бундан шундай хизматларни кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно

# Қўшилган қиймат солиғининг солиқ солиш объекти

7. Юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш);

8. оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) иштирокчилари ўртасида шундай шартнома доирасида товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш)

9. Жамият таъсисчилари ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар

10. харажатлари ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ (бундан 20-бандда назарда тутилган харажатлар мустасно) фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган, солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан хизматлар кўрсатиш;

# Қўшилган қиймат солиғининг солиқ солиш объекти

11. жисмоний шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш ёки дивидендлар тўлаш ҳисобига товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш)

12. Солиқ тўловчи томонидан ўзига тегишли мол-мулкни (хизматларни), агар бундай мол-мулк (хизматлар) бўйича солиқ суммаси тўлиқ ёки қисман ҳисобга ўтказилган бўлса, бошқарув органи аъзоларига, ходимларга, уларнинг оила аъзоларига ёхуд бошқа шахсларга солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий мақсадларда фойдаланиш учун бериш (хизматлар кўрсатиш)

# Қўшилган қиймат солиғининг солиқ солиш объекти

13. Товарларни ва бошқа мол-мулкни қайтариш шарти билан қайта ишлашга бериш, агар товарлар ва (ёки) мол-мулк қайта ишлаш маҳсули шаклида шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса;

14. Эркин божхона ҳудудининг божхона тартиб-таомилига солиқ тўламасдан жойлаштирилган товарни йўқотиш, бошқа ҳолатларда солиқни тўлаш зарур бўлган тақдирда

15. Қайтарилиши лозим бўлган, кўп марта муомалада бўладиган идишларнинг сотувчи томонидан берилиши, агар идиш бундай идишдаги маҳсулотни етказиб беришга доир шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаса

# Солиқ солиш объекти ҳисобланмайди

# Қўшилган қиймат солиғининг солиқ солиш объекти

1. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий (оилавий) мол-мулкни реализация қилиш;

2. Юридик шахс қайта ташкил этилаётганда унинг мол-мулкини ҳуқуқий ворисга (ҳуқуқий ворисларга) ўтказиш;

3. Ишончли бошқарувнинг муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқарувчига бериш ва ишончли бошқарув шартномасининг амал қилиш муддати тугаган тақдирда, ишончли бошқарувчининг ўзи ишончли бошқарувга берилган мол-мулкни қайтариши

4. Миллий валюта ёки чет эл валютаси муомаласи билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш (бундан нумизматика мақсадлари мустасно)

# Солиқ солиш базасини аниқлаш

# Солиқ базани аниқлаш (СК 247 - 256 моддалар)

Умумий қоида: Реализация қиймати (+ акциз солиғи) х 12 %

Агар бонуслар (чегирмалар) берилган бўлса:

Реализация қиймати – бонус / чегирма (+ акциз солиғи) х 12 %

Агар бартер қилинса ёки текинга берилса:

Бозор қиймати х 12 %

Агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли.

# Солиқ базани аниқлаш (СҚ 247 - 256 моддалар)

Товар импорт қилинаётганда:

(товарнинг божхона қиймати + божхона божи + акциз солиғи) х 12 %

Импорт қилинган товарлар реализацияси бўйича:

Реализацияда ҳисоблаш учун база ≥ божхонада (тўланган) ҚҚСни ҳисоблаш учун база

Давал хом ашени қайта ишлаш:

Қайта ишлаш хизмати (+акциз солиғи) х 12 %

Бажарилган қурилиш ишлари бўйича:

Бажарилган иш ҳажми х 12 %

# Солиқ базани аниқлаш (СҚ 247 - 256 моддалар)

Товарларни (хизматларни) олишга бўлган ҳуқуқни берувчи ваучерни реализация қилиш чоғида:

Ваучер қиймати х 12/112 %

Жисмоний шахслардан олинган автомобиллар ва уй-жой кўчмас мулк объектлари реализация қилинса:

(Реализация қиймати – сотиб олиш қиймати) > 0 ➡ х 12/112 %

солиқ солинмайдиган айланмалар бўлган чипталар, абонементлар, йўлланмалар ва бошқа ҳужжатлар реализация қилинса:

(Реализация қиймати – сотиб олиш қиймати) > 0 ➡ х 12/112 %

# Молиявий ижара (лизинг) шартномалари бўйича операциялар амалга оширилганда солиқ базасини 261 аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Мол-мулк молиявий ижарага (лизингга) берилса:

(барча тўловлар – фоизли даромад) х 12 %

Солиқ солишдан озод этилган, олиб кирилган технологик асбоб-ускуналар молиявий ижарага (лизингга) берилганда:

(Реализация қиймати – сотиб олиш қиймати) > 0  х 12/112 %

# Воситачилик (топшириқ), транспорт экспедицияси шартномалари бўйича операциялар амалга оширилганда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Воситачининг (ишончли вакилнинг) солиқ базаси:

Воситачилик мукофот қиймати х 12/112 %

Комитентнинг (ишонч билдирувчининг) солиқ базаси:

Воситачининг товар/хизмат реализация қиймати х 12 %

Транспорт экспедицияси шартномасида белгиланган, транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мижоз бўлган тараф учун ташувчи ва (ёки) бошқа етказиб берувчилар томонидан хизматлар кўрсатилса:

Хизмат хақи х 12/112 %

# Корхона мол-мулк мажмуаси сифатида реализация қилинганда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Умумий қоида:

корхона мол-мулкининг ҳар бир солиқ объекти x 12 %

Агар корхонани реализация қилиш нархи унинг таркибига кирадиган жами мол-мулкнинг баланс қийматидан паст бўлса/баланд бўлса:

(Воситачининг товар/хизмат реализация қиймати) x ТК x 12 %

Корхона сотувчиси томонидан корхона сотилган нархни кўрсатган ҳолда жамлама ҳисобварақ-фактура тузилади.

Реализация қилинишига солиқ солинадиган мол-мулкнинг ҳар бир тури бўйича тегишли равишда солиқ ставкаси ва тегишли солиқ суммаси кўрсатилади

# Транспортда ташишни амалга оширишда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Умумий қоида:

Ташиш қиймати x 12 %

Имтиёзли тарифлар бўйича йўл ҳужжатлари реализация қилинганда:

Имтиёзли тарифлар x 12 /112 %

Сафар бошлангунига қадар харидорларга ишлатилмаган йўл ҳужжатлари учун пуллар қайтарилган тақдирда, қайтарилиши лозим бўлган суммага солиқнинг барча суммаси киритилади

Сафар тугатилганлиги сабабли йўл давомида йўловчиларга йўл ҳужжатлари қайтарилган тақдирда, қайтарилиши лозим бўлган суммага йўловчилар юриши керак бўлган қолган масофага тегишли миқдордаги солиқ суммаси киритилади.

# Давлат мол-мулки билан операциялар амалга оширилганда солиқ агентлари томонидан солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Давлат мол-мулки ижарага берилганда:

Ижара суммаси х 12/112 %

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат мол-мулки реализация қилинганда (берилганда) солиқ базаси солиқ агенти томонидан аниқланади.

Мол-мулк қиймати х 12 %

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мусодара қилинган мол-мулк, суднинг қарорига биноан реализация қилинадиган мол-мулк, эгасиз қимматликлар, хазиналар ва сотиб олинган қимматликлар, шунингдек мерос олиш ҳуқуқи асосида давлатга ўтказилган қимматликлар реализация қилинган тақдирда:

Реализация қиймати (+акциз) х 12/112 %

# ҚҚС бўйича солиқ имтиёзлари ва ноль даражали ставкаларни қўллаш ҳолатлари

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

**243-модда**

Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма

**244-модда**

СОЛИҚ СОЛИШДАН ОЗОД ЭТИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР

**245-модда**

Солиқ солишдан озод қилинадиган суғурта хизматлари



**246-модда**

Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



**СОЛИҚ КОДЕКСИ БИЛАН БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ:**

1. МУДДАТСИЗ
2. НОСУБЪЕКТИВ
3. МАҚСАДСИЗ



**БОШҚА ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР :**

1. МУДДАТЛИ
2. СУБЪЕКТИВ
3. МАҚСАДСИЗ

# Қуйидаги айланмалар бўйича 0 % солиқ ставкаси қўлланилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАН ОЛИБ ЧИҚИЛГАН ҒАМЛАБ ҚЎЙИЛГАН (ҲАВО КЕМАЛАРИДАН РИСОЛАДАГИДЕК ФОЙДАЛАНИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ЁҚИЛҒИ ВА ЁНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ) НАРСАЛАР РЕАЛИЗАЦИЯСИ

ЧЕТ ЭЛ ДИПЛОМАТИК (УЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН) ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИНГ РАСМИЙ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН, ДИПЛОМАТИК ВА МАЪМУРИЙ-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИНИНГ (УЛАР БИЛАН БИРГА ЯШАЙДИГАН ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ) ШАХСИЙ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН ҲАМДА МАҲСУЛОТ ТАҚСИМОТИГА ОИД БИТИМ ДОИРАСИДА СОТИБ ОЛИНГАН ТОВАРЛАР (ХИЗМАТЛАР) БЎЙИЧА ТЎЛАНГАН ҚҚСНИ ҚОПЛАШ (ҚАЙТАРИШ) ЙЎЛИ БИЛАН НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКАСИ ҚЎЛЛАНИЛАДИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАН ЭКСПОРТ БОЖХОНА ТАРТИБ-ТАОМИЛИГА ОЛИБ ЧИҚИЛГАН ТОВАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ҲУДУДИДА ҚАЙТА ИШЛАШ БОЖХОНА РЕЖИМИГА ЖОЙЛАШТИРИЛГАН ТОВАРЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР (ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИШ ШАРТИ БИЛАН)

ТОВАРЛАРНИ (ЙЎЛОВЧИЛАРНИ, ПОЧТАНИ ВА БАГАЖНИ) ХАЛҚАРО ТАШИШЛАР ВА ТОВАРЛАР ТРАНЗИТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАР ҲАМДА ҲАВО КЕМАЛАРИГА БЕВОСИТА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЭРОПОРТЛАРИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО ҲУДУДИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР

# Қуйидаги айланмалар бўйича 0 % солиқ ставкаси қўлланилади

**ЯНА БИТТА ҲОЛАТДА АЙЛАНМАЛАР НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКАДА ТОРТИЛАДИ:**



**СУВ ТАЪМИНОТИ, КАНАЛИЗАЦИЯ, САНИТАРИЯ ЖИҲАТДАН ТОЗАЛАШ, ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ДОИР АЙЛАНМАГА, ШУ ЖУМЛАДАН БУНДАЙ ХИЗМАТЛАРНИ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИ НОМИДАН, ШУНИНГДЕК ИДОРАВИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ УЙЛАРИДА ЯШАЁТГАН АҲОЛИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИШГА, НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА БЎЙИЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИ**

**НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН БУНДАЙ МЕТАЛЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИ**



# Ноль ставка билан имтиёзни нима фарқи бор?

## Имтиёз (“зачёт” йўқ)



Сотиш нархи = 100 минг сўм. Имтиёз сабабли табуретка ҚҚСсиз сотилади

ТАННАРХИ




Хом ашё таннархи – 70 м. сўм + 8,4 м. сўм = 78,4 м. сўм.

Ишчилар ойлиги – 10 м. сўм

Жами таннарх – 88,4 м. сўм

Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 0 м. сўм.

Корхона фойдаси: 100 – 88,4 = 11,6 м. сўм

Фойда солиғи: 11,6 * 15% = 1,74 м. сўм.

Корхона тасаррufида қоладиган сумма: 11,6 – 1,74 = 9,86 м. сўм.

## Ноль даражали ставка (“зачёт” бор)



Сотиш нархи = 100 минг сўм. Ноль даражали ставка сабабли табуретка ҚҚСсиз сотилади

ТАННАРХИ




Хом ашё таннархи – 70 м. сўм

Ишчилар ойлиги – 10 м. сўм

Жами таннарх – 80 м. сўм

Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 0 – 8,4 = - 8,4 м. сўм. → Бюджетдан қайтарилади

Корхона фойдаси: 100 – 80 = 20 м. сўм

Фойда солиғи: 0 м. сўм.

Корхона тасарруфида қоладиган сумма: 8,4 + 20 = 28,4 м. сўм.

# Ҳисобга олинадиган ва олинмайдиган ҚҚС суммалари

# Товар ва хизматлар учун тўланган ҚҚС суммалари қўйидаги ҳолатларда ҳисобга олинади (СК 266-моддаси)



Маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқаришда товарлардан (хизматлардан) фойдаланилганда реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши, шу жумладан ноль ставка бўйича солиқ солиниши лозим бўлганда

Товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда солиқ бюджетга тўланганда

Олинган товарларга (хизматларга) ҳисобварақ-фактура ёки солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда

ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса.

Солиқ кодекснинг 255 ва 256-моддаларида назарда тутилган ҳолларда солиқ бюджетга тўланганда

товарларни экспортга реализация қилиш айланмаси мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) солиқ товарлар экспортидан солиқ тўловчининг (комиссионернинг) банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади.

# Товар ва хизматлар учун тўланган ҚҚС суммалари қўйидаги ҳолатларда ҳисобга олинади (СК 266-моддаси)

ЯТТлар ва Ўз. Р. юридик шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматлар кўрсатилганда







Солиқ тўловчи томонидан асосий воситалар (ўрнатиладиган асбоб-ускуналар), номоддий активлар ва кўчмас мулк объектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар сотиб олинганда (импорт қилинганда), шунингдек келгусида ўз асосий воситалари сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган активларни яратиш учун товарлар (хизматлар) сотиб олинганда

# Товар ва хизматлар учун тўланган ҚҚС суммалари қўйидаги ҳолатларда ҳисобга олинади (СК 266-моддаси)

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган тақдирда, иштирокчи (таъсисчи) томонидан тўланган солиқ суммаси ҳисобга олиниши мумкин





Солиқ тўловчи бўлмаган шахс ҚҚС тўловчиси сифатида махсус рўйхатга олинганда, шунингдек солиқ имтиёзлари бекор қилинганда солиқ тўловчи ўз балансида мавжуд бўлган ТМЗлар қолдиқларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга олинган ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин

# Товар ва хизматлар учун тўланган ҚҚС суммалари қўйидаги ҳолатларда ҳисобга олинади (СК 266-моддаси)

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш чоғида экспедитор томонидан ташувчидан ва (ёки) бошқа етказиб берувчилардан олинган хизматларга доир солиқ суммаси бундай шартнома бўйича экспедиторнинг мижози бўлган тарафда ҳисобга олинади





Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки якка тартибдаги тадбиркор бўлган комитентнинг (ишонч билдирувчининг) топшириғига кўра олинган товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига воситачи (ишончли вакил) томонидан олиб кирилган тақдирда, импорт қилинган товарнинг божхона расмийлаштируви чоғида воситачи (ишончли вакил) томонидан тўланган солиқ комитентда (ишонч билдирувчида) ҳисобга олиниши лозим

# Товар ва хизматлар учун тўланган ҚҚС суммалари қўйидаги ҳолатларда ҳисобга олинади (СК 266-моддаси)

Агар солиқ тўловчи сифатида ҳисобда турмайдиган чет эл юридик шахси комитент (ишонч билдирувчи) бўлса, товар тегишли воситачилик (топшириқ) шартномасига мувофиқ шартлар асосида воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган тақдирда, ушбу товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда тўланган солиқ суммаси тегишли солиқ даврида воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган товарлар улушига тўғри келадиган улушда воситачи (ишончли вакил) томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинади



# Ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси
# (СКнинг 267-моддаси):

реализация қилиш бўйича айланмалари ушбу бўлимга мувофиқ солиқ солишдан озод этилган товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизматлар кўрсатиш) учун мўлжалланган асосий воситалар, кўчмас мулк объектлари ва номоддий активлар сотиб олинганда (олиб кирилганда)

товарлар (хизматлар) юқорида кўрсатилган асосий воситаларни, кўчмас мулк объектларини қуриш, модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш учун сотиб олинганда

реализация қилиш бўйича айланмалари солиқдан озод этилган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизматлар кўрсатиш) учун сотиб олинганда

товарлар (хизматлар) солиқ тўловчи бўлмаган юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан сотиб олинганда

вакиллик харажатлари

товарлар (хизматлар) бепул олинганда, бундан олувчи улар бўйича солиқ тўлаган ҳоллар мустасно

солиқ тўловчининг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган, Солиқ кодексининг 317-моддасига мувофиқ фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда харажатлар чегириб ташланмайдиган товарлар (хизматлар) сотиб олинганда

Солиқ тўловчи товарларни (хизматларни) сотиб олиш чоғида тўлаган солиқ суммалари қуйидаги товарларни (хизматларни) сотиб олиш ёки олиб кириш чоғида ҳам, агар бу товарларни (хизматларни) сотиб олиш амалга оширилаётган фаолият турига боғлиқ бўлмаса, ҳисобга олинмайди:

1) енгил автомобилларни, мотоциклларни, вертолётларни, моторли қайиқларни, самолётларни, шунингдек моторли воситаларнинг бошқа турларини ва улар учун ёқилғини;

2) алкоголь ва тамаки маҳсулотларини.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини ҳисоблашда мутаносиб ва алоҳида-алоҳида усуллардан фойдаланиш

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

«ПЛАТОНА» МЧЖ




Фаолият турлари

Кунгабоқар ёғини ишлаб чиқариш



Дори-дармонлар улгуржи савдоси



2023 йил январь ойидаги корхона реализацияси

Кунгабоқар ёғи жами реализацияси – 850 млн. сўм

экспорт – 300 млн. сўм ($ 30 000)

Дори-дармон реализацияси – 470 млн. сўм

Жами Корхона реализацияси – 1320 млн. сўм

Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Малака ошириш
маркази

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

## Корхона ҳаражатлари

«ПЛАТОНА» МЧЖ




Кунгабоқар пистаси:



720 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
77,14 млн сўм )

Электроэнергия



132 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
14,14 млн сўм )

Телефон, интернет



26,2 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
2,8 млн сўм )

Дори-дармонни сақлаш
учун омбор арендаси *



78,6 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
8,42 млн сўм )

* Арендага олинган омбор фақат дори-дармонларни сақлаш учун мўлжалланган ҳамда аренда тўлови таркибига барча коммунал (электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув) ҳаражатлар киритилган

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

**“Платона” МЧЖнинг 2023 йил январ ойидаги молиявий-хўжалик кўрсаткичлари**

| **Оборотлар** | **Харажатлар** |
| --- | --- |
| Корхонанинг соф тушуми – **1 320 млн. сўм**<br><br>Шундан:<br><br>1) Кунгабоқар ёғи жами реализацияси – 850 млн. сўм<br><br>Кунгабоқар ёғи экспорти – 300 млн. сўм (ёки $ 30 000)<br><br>**2)** Дори-дармон реализацияси – 470 млн. сўм | 1) Кунгабоқар пистаси - 720 млн. сўм (шундан ҚҚС – 77,14 млн. сўм)<br><br>2) Электр энергияси – 132 млн. сўм (шундан ҚҚС – 14,14 млн. сўм)<br><br>3) Телефон, интернет – 26,2 млн. сўм (шундан ҚҚС – 2,8 млн. сўм)<br><br>4) Дори дармон омбори арендаси – 78,6 млн. сўм (шундан ҚҚС – 8,42 млн. сўм)<br><br>**Жами харажатлар - 956,8 млн. сўм, шундан ҚҚС – 102,5 млн. сўм** |

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

Яна бир бор эслатиб ўтамиз

Бюджетга тўланиладиган ҚҚС суммасини ҳисоблаб чиқариш формуласи:

**ҚҚС (бюджетга тўланган) = ҚҚС (айланмага ҳисобланган) – ҚҚС (ҳисобга олинган)**

| Реализация айланмаси | Ҳисобланган ҚҚС суммаси |
|---|---|
| Ички бозорга кунгабоқар ёғи реализацияси – 550 млн. с | 550*12% = 66 млн. сўм |
| Экспортга кунгабоқар ёғи реализацияси – 300 млн. с | 300 – 0% = 0 сўм |
| Дори-дармон реализацияси – 470 млн. сўм | Имтиёз (СКнинг 243-моддаси, 13-банди) |
| Жами: | 66 млн. сўм |

Мутаносиб ва алоҳида

алоҳида усуллар

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

## Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниқлаш (мутаносиб усул)

Айланмалар улушини аниқлаймиз



1) 550 / 1320 = 41,67 %

2) 300 / 1320 = 22,73 %

3) 470 / 1320 = 35,60 %

| Оборотлар номи | Сўмда | Улуши |
|---|---|---|
| Жами | 1 320,0 | 100% |
| Солиққа тортиладиган | 550,0 | 41,67% |
| Экспорт | 300,0 | 22,73% |
| Имтиёзли оборот | 470,0 | 35,60% |

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

## Улушлар бўйича “кирим бўлган” ҚҚСни тақсимлаймиз



| Оборотлар номи | Сўмда | Улуши |
|---|---|---|
| Солиққа тортиладиган | 550,0 | 41,67% |
| Экспорт | 300,0 | 22,73% |
| Имтиёзли оборот | 470,0 | 35,6% |

1) 102,5 * 41,67 % = 42,7 млн. сўм

2) 102,5 * 22,73 % = 23,3 млн. сўм

3) 102,5 * 35,6 % = 36,5 млн. сўм

Ушбу сумма СКнинг 268-моддасига мувофиқ ҳисобга олинмайди, балки давр харажатларига оборилади

## Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)



**Мутаносиб усул орқали аниқланган ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси:**
**42,7 + 23,3 = 66 млн. сўм**

**Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси:**
**66,0 – 66,0 = 0 млн. сўм**

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

## Алоҳида-алоҳида усул

### Ишлаб чиқариш ҳаражатлари

Кунгабоқар пистаси:



720 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
77,14 млн сўм )

Электроэнергия



132 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
14,14 млн сўм )

### Улгуржи савдо фаолияти билан боғлиқ ҳаражатлар

Дори-дармонни сақлаш учун омбор арендаси



78,6 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
8,42 млн сўм )

### Умумий ҳаражатлар

Телефон, интернет



26,2 млн. сўм,
(шундан ҚҚС –
2,8 млн сўм )

# Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

## Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниқлаш (алоҳида-алоҳида усул)



### Айланмалар улушини аниқлаймиз

| «Кирим бўлган» ҚҚС | Млн. сўмда | Қайси оборотга тақсимланади |
|---|---|---|
| Кунгабоқар пистаси | 77,14 | Ишлаб чиқариш (ички бозорга реал. + экспорт) |
| Электроэнергия | 14,14 | Ишлаб чиқариш (ички бозорга реал. + экспорт) |
| Омбор арендаси | 8,42 | Улгуржи савдо |
| Телефон, интернет | 2,8 | Умумий харажат |

### Улушлар бўйича “кирим бўлган” ҚҚСни тақсимлаймиз

1) 2,8 * 41,67 % = 1,16 млн. сўм (ишлаб чиқариш, ички бозорга реализация)

2) 2,8 * 22,73 % = 0,64 млн. сўм (ишлаб чиқариш, экспорт)

3) 2,8 * 35,6 % = 1 млн. сўм (улгуржи савдо)

## Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)




**Алоҳида-алоҳида усул орқали аниқланган ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси:**

**77,14 + 14,14 + 1,16 + 0,64 = 93,08 млн. сўм**

**Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси:**

**66,0 – 93,08 = - 27,08 млн. сўм**

## Солиқни ҳисоблаб чиқиш (амалий мисол)

# Натижаларни таққослаймиз



| | Мутаносиб усул | Алоҳида алоҳида усул | Фарқ |
|---|---|---|---|
| Ҳисобга олинган ҚҚС | 66,0 | 93,08 | 27,08 |
| Ҳисобга олинмаган ҚҚС | 36,5 | 9,42 | 27,08 |
| Бюджетга тўланадиган ҚҚС | 0 | -27,08 | 27,08 |

# Импорт қилинган товарларни реализация қилишда солиқ базасини аниқлашда ўзига ҳос хусусиятлар

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 248-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ**




**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган (импорт қилинган) товарларни реализация қилиш чоғида солиқ базаси ушбу товарларни олиб кириш (импорт қилиш) чоғида бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган**

«ПЛАТОНА» МЧЖ






**Импорт қилинган ковролин**

*ТИФ ТН коди – 5705 00*
*Ҳажми – 1000 м2*
*Режим – ИМ-40*
*“растаможка” – 10.01.2023 й.*



**Етказиб бериш шартлари**

*Инкотермс – CIP*
*Нархи – $4 - 1 м2 учун*
*Партия  қиймати– $4000*



*Божхона декларанти олиб келинган товар бўйича божхона тўловларини, яъни божхона божини, акциз ва қўшилган қиймат солиқларини ҳисоблаш учун божхона қийматини 1 квадрат ковролин учун **6 АҚШ доллари** миқдорида белгилайди. Бунда жами товар партиясининг божхона қиймати **6000 АҚШ** доллар миқдорида белгиланади*



***Аҳамият беринг, товарнинг божхона қиймати унинг фактура яъни ҳақиқий қийматига нисбатан 2000 АҚШ долларига баландроқ белгиланган.***

Божхонада Корхона қўйидаги солиқ ва тўловларни амалга ошириши лозим бўлади.




| Тўлов коди | Тўлов номи | Ставка (божхона қийматига нисбатан) |
|---|---|---|
| 10 | Товарни божхонада расмийлаштириш учун ундириладиган божхона йиғими | 0,2 % |
| 20 | Божхона божи | 30 % |
| 27 | Акциз солиғи | 15 % |
| 29 | Қўшилган қиймат солиғи | 12 % |

*Марказий банк курси (10.01.2023 йил ҳолатига)* ***- $ 1 = 11 350,12 сўм***
*Демак, товарнинг божхона қиймати* ***6000 х 11 350,12 = 68 100 720,0 сўмни*** *ташкил этади.*

# Божхона тўловлари ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 254-моддасига мувофиқ: **ҚҚС = (Божхона қиймати + акциз солиғи + божхона божи) х 12 %**



| Тўлов коди | Ставкаси (божхона қийматига нисбатан) | Суммаси (сўмда) |
|---|---|---|
| **10** | 0,2 % | 68 100 720 х 0,2 % = 136 201,44 |
| **20** | 30 % | 68 100 720 х 30 % = 20 430 216,0 |
| **27** | 15 % | 68 100 720  х 15 % = 10 215 108,0 |
| **29** | 15 % | (68 100 720 +20 430 216+10 215 108) = 98 746 044,0 (база);<br>98 746 044 х 12 % = 11 849 525,28 |

**«зачёт»**



**Ковролин таннархи**

*фактура қиймати + акциз солиғи + божхона божи + божхона йиғими*

**(4 000 x 11 350,12) + 136 201,44 + 20 430 216 + 10 215 108 = 76 182 005,44 сўм**
**ёки 1 квадрат метр ковролин таннархи**
**76 182 005,44 / 1000 = 76 182 сўмни ташкил этади.**





**Февраль ойида Корхона импорт қилинган ковролиннинг (1000 м²) ни 20 % устама билан сотди**

**1000 х 76 182,00 = 76 182 005,44 х 1,2 (устама) = 91 418 406,53 сўм**

**Корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланганлиги учун товарни ҚҚС билан реализация қилади:**

*91 418 406,53 х 12 % =* ***10 970 208,78 сўм*** *– бу Корхонанинг реализация оборотига ҳисобланган ҚҚС.*

*Демак, товар 91 418 406,53 сўмга сотилса, устига ҳисобланган* ***10 970 208,78 сўм*** *ҚҚС суммаси ҳисобварақ-фактурада акс эттирилади.*

**Энди, Солиқ кодексининг 248-моддаси бешинчи қисмига қайтайлик.**

**Импорт товарни реализация қилишда ҚҚС базаси ≥ божхонада ҚҚСни ҳисоблаш учун база**




**91 418 406,53 сўм ~~≥~~ 98 746 044 сўм**



***Қоида бажарилмаяпти!***

**Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар**

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Жўнатмалар қиймати | ҚҚС суммаси |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари, жами ((0101-0108-сатрлар йиғиндиси) - 0109-сатр) | 010 | 7 163 575,00 | 1 074 536,25 |
| улардан: | | | |
| Солиқ солинадиган базага киритилган акциз солиғи суммаси | 0101 | | |
| Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан соф тушум | 0102 | | 0,00 |
| шу жумладан: | | | |
| ҚҚСдан озод қилинадиган айланмалар (2-илованинг 010-сатри) | 01021 | 0,00 | X |
| ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган (2-илованинг 040-сатри) | 01022 | 0,00 | X |
| "Ўздонмаҳсулот" АК корхоналари учун солиқ солинадиган сумма* | 01023 | | 0,00 |
| бошқа солиқ солинадиган реализация (0102-сатр - 01021-сатр - 01022-сатр - 01023-сатр) | 01024 | 0,00 | 0,00 |
| Бозор қийматидан паст нархда реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати ва ҚҚС киритилмаган ҳолда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси | 0103 | | 0,00 |
| Товарларни импорт қилишда ҚҚС тўлаш мақсадида товарларнинг божхона қиймати ва ҚҚС киритилмаган ҳолда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси ** | 0104 | **7 327 637,47** | **879 316,5** |
| Асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган қурилиш объектлари реализацияси | 0105 | | 0,00 |
| Мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) топшириш *** | 0106 | | 0,00 |
| Мол-мулкни оператив ижарага бериш | 0107 | | 0,00 |
| 0102, 0103-0107-сатрларда кўрсатилмаган бошқа реализация қилиш бўйича айланма (01081-сатр + 01082-сатр) | 0108 | 0,00 | 0,00 |
| Солиқ солинадиган бошқа айланмалар | 01081 | 0,00 | 0,00 |
| | 010811 | | 0,00 |
| | 010812 | | 0,00 |
| | 010813 | | 0,00 |
| | 010814 | | 0,00 |
| | 010815 | | 0,00 |
| | 010816 | | 0,00 |
| | 010817 | | 0,00 |
| | 010818 | | 0,00 |
| | 010819 | | 0,00 |
| 01021-сатрда кўрсатилмаган солиқ солинмайдиган айланмалар: | 01082 | 0,00 | x |
| | 010821 | | x |
| | 010822 | | x |

**Бундай ҳолатда корхона ҚҚС ҳисоботининг 1-иловаси 0104-сатрида 98 746 044 – 91 418 406,53 = 7 327 637,47 сўм фарқни акс эттиради ва шу оборотга ўзига ўзи 12 % ҚҚСни (879 316,5 сўм) ҳисоблаб қўяди. Бунда Корхона ўзига ҳисоблаган 879 316,5 сўмлик ҚҚС бу Корхонанинг харажати сифатида қаралади.**

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!